

Аллоҳ ғам-ғуссамни кетказ, қарздан халос эт!

07:00 / 27.03.2021 5671

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни масжидга кирсалар, Абу Умома деган ансорий саҳоба ўтирган эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй Абу Умома, намоз вақтидан бошқа пайтда масжидда ўтирганинг боиси нима?»** деб сўрадилар. «Эй Расулуллоҳ, мени ғам ва қарз шу аҳволга солиб қўйди», дедилар. Шунда у зот: **«Сенга бир дуони ўргатайми? Уларни айтиб юрсанг, Аллоҳ ғамингни кетказиб, қарзингдан халос этади. Агар тонг отса ва кеч кирса:**

نَمَّكَ بِذُوْعِ اَوْ لَسَّكَ لَوْ زَجَّعَ لَمْ نَمَّكَ بِذُوْعِ اَوْ نَزَحَ لَوْ مَّهَلَّ نَمَّكَ بِذُوْعِ اَيَّنَّ مُمْهَلَّ
لَا حُرَّ لِرَّهَقٍ وَنِيَّةٍ لِدَلَّةِ بَلَّغَ نَمَّكَ بِذُوْعِ اَوْ لَخُبَّ لَوْ اَوْ نُبَّ ل

«Аллоҳумма инний аъзузу бика минал ҳамми вал ҳазани ва аъзузу бика минал ѓажзи вал касали ва аъзузу бика минал жубни вал бухли ва аъзузу бика мин ғолабатид дайни ва қоҳрир рижал»ни айт»

(Аллоҳим, Сенинг номинг ила ғам-ташвишдан, ожизлик ва дангасаликдан, қўрқоқлик ва бахилликдан, қарз эзиб қўйиши ва кишиларнинг қаҳридан паноҳ тилайман), деб буюрдилар. Абу Умома: «Сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганларига амал қилдим. Аллоҳ менинг ғам-ғуссамни кетказиб, қарздан халос этди», деб айтадилар».

Абу Довуд ривоятлари.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан